

**Исламова Дилафруз Бустановна - Ўзбекистон-Финландия педагогика институти мактабгача таълим факултети ўқитувчиси, СамДУ мустақил тадқиқотчиси.**

**Islamova Dilafruz Bustanovna - is the teacher at the faculty of preschool education in Uzbekistan-Finland Pedagogical Institute, independent researcher of Samarkand State University.**

**ТУТИНГАН ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ ҲАМДА МЕТОДИКАЛАРИ ТАВСИФИ.**

**ОПИСАНИЕ СИСТЕМЫ ПРОБЛЕМ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ПРОЦЕССЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ НАСТРОЙКИ РАБОТЫ С ЗАДЕРЖАННЫМИ СЕМЬЯМИ, ЭТАПОВ ИХ ИССЛЕДОВАНИЯ И МЕТОДЫ.**

**DESCRIPTION OF THE SYSTEM OF PROBLEMS THAT ARISE IN THE PROCESS OF PSYCHOLOGICAL ADJUSTMENT OF WORK WITH DETAINED FAMILIES, THE STAGES OF THEIR RESEARCH AND METHODS.**

**Аннотация:** Ушбу мақолада тутинган оилалар ва болалар ўзаро психологик мослашувининг ижтимоий – психологик ва методик жиҳатлари ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар:** респондент, субъектив, инъикос, Р.Б. Кеттел сўровномаси; Вагнер қўл тести (Hand Test); А. Басс А. Дарки методика, непараметрик усул

**Аннотация:** В данной статье освещаются социально-психологические и методологические аспекты взаимной психологической адаптации семьи и детей.

**Ключевое слово:** респондент, субъективное, восприятие, Р.Б. анкета Кеттеля; Тест руки Вагнера (Hand Test); А. Басс А. Метод Дарки, непараметрический метод

**Annotation:** This article highlights the socio-psychological and methodological aspects of the mutual psychological adaptation of the family and children.

**Key word:** respondent, subjective, perception, R.B. Kettel's questionnaire; Wagner hand test (Hand Test); A. Bass A. Darkey's method, non-parametric method

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар тарбияси ва хулқ-атвор ифодасида юзага келадиган салбий ўзгаришлар, бузилишлар ва уларни ижтимоий мослаша олмаслик муаммоси кучайиб бориш хусусиятига эга. Бундай ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг умумқабул қилинган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий меъёрларни тан олмаслиги, тушуниб моҳиятини англамаслиги, турмуш тарзи ва фаолиятида унга амал қилмаслик ҳолатлари таълим-тарбия билан шуғулланувчи оила, мактаб, маҳалла ва бошқа ижтимоий иснтитутлар олдига муҳим вазифаларни юклайди. Бундай ҳолатлар уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган иродали, фидоий ҳамда ватанпарвар инсонлар этиб тарбияланишида асосий тўсиқ сифатида намоён бўлада. Ушбу салбий сифат ва хусусиятларни шаклланишига таъсир этадиган ёки келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш республикамызда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасидаги энг долзарб муаммолардандир. Бунинг учун мазкур муаммони илмий ўрганиш, муаммо ечимини топишда самарали усулларни ишлаб чиқиш ва муаммо доирасида психологик қонуниятларни илмий асослаш ниҳоятда зарурдир.

Ана шу нуқтаи назардан биз “Тутинган оилалар ва болалар ўзаро психологик мослашувининг ижтимоий-этник хусусиятлари” мавзусида олиб бораётган психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий тадқиқот ишимизнинг илмий дастурига таяниб, бир қатор тизимли вазифаларни бир неча босқичда амалга оширдик.

Биринчи босқичда ота-она қарамоғисиз қолган болалар ижтимоий-психологик мослашуви муаммосининг назарий-методологик асослари ўрганилди. Унда болалар психологик мослашувининг психология фанида ўрганилганлик ҳолати, рус ва мамлакатимиз психологиясида болалар ижтимоий-психологик мослашуви муаммосининг тадқиқ этилганлиги, болалар психологик

мослашувининг тарбиявий асослари таҳлилий баҳоланди ва шунга таяниб, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ижтимоий-психологик мослашувнинг юзага келиши ва шаклланишининг сабаблари, қонуниятлари, шарт-шароитлари, уларга таъсир этаётган муҳим омиллар ҳамда уларнинг оқибатлари кенг ёритилди.

Иккинчи босқичда тутинган оилалар ва болалар ўзаро психологик мослашуви эмпирик кўрсаткичларининг психологик тавсифи (экспериментал ўрганилиши) амалга оширилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ўзаро психологик мослашишнинг эмпирик кўрсаткичлари, улар шахсидаги сифат ва хусусиятлар намоён бўлишининг моҳиятини аниқлаш ҳамда илмий асослаш мақсадида унга таъсир этувчи омилларнинг кўринишлари, келиб чиқиш сабаблари, манбалари аниқланди. Шунга асосан, тутинган оилалар ва болалар ўзаро психологик мослашувининг ижтимоий-этник хусусиятларининг шаклланганлик ҳолати, йўналганлиги, мақсади ва моҳияти тарбиявий-психологик меъёрлар асосида баҳоланди.

Учинчи босқичда тутинган оилалар ва болалар ўртасида соғлом психологик мослашувни таъминлашнинг ижтимоий-этник хусусиятлари билан боғлиқ замонавий тарбиявий ўзгартиришларни экспериментал ўрганиш натижалари баён қилинди. Тадқиқот ҳозирги замон психологияси амалиётида самарали қўллашга мўлжалланган меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашув жараёнини, индивидуал психологик хусусиятларини, ақлий, ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий тараққиёт даражаларини ўрганишга йўналган тест методикалари ёрдамида амалга оширилди.

Тўртинчи босқич, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари турмуш-тарзи ва ҳаёт фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг хулқ-атворида мавжуд бўлган салбий сифатлар шаклланишини бартараф этишнинг психокоррекция амалиёти бўлиб, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари шахсига хос салбий хулқ-атвор кўринишлари шаклланишини муҳим манбаларини аниқлаш, уларни олдини олиш ва бартараф қилишнинг замонавий ижтимоий – психологик механизмларини асослаш илмий изланишларимизнинг устувор вазифалари сифатида белгиланиб,

куйидаги тарбиявий-психологик механизмлар яратилиши ва амалиётга татбиқ этиш учун тавсиялар бериш амалга оширилди:

-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳаёт фаолиятини ташкил этишнинг замонавий ижтимоий-педагогик ва психологик асосларини белгилаш ҳамда уни доимий такомиллаштириб бориш эътиборга олинди;

-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хулқ-атворида юзага келиши кутилаётган салбий ўзгаришларнинг психокоррекцион дастури тайёрланиб, улар баркамоллигини таъминлашга йўналтирилган (ақлий, ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий билимлар асосида) шахс фазилатлари комплекси аниқланди ва уни ёшларнинг ҳар бири ўрганиб (ўзлаштириб) ҳаёт тарзи ва фаолиятида қўллаш тавсия этилди;

-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хулқ-атворида юзага келиши кутилаётган салбий ўзгаришларнинг психопрофилактикаси ва психологик маслаҳат тизими тайёрланди ва барча меҳрибонлик уйи ҳамда оилавий болалар уйи таълим тизими босқичларида унга амал қилиш тавсия этилди;

-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хулқ-атворида юзага келаётган салбий сифат ва хусусиятларни аниқлайдиган, сабабларини ўрганадиган ҳамда уларни олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ тарбиявий-психологик ва миллий-маданий тизим андозаси яратилди.

Тадқиқотимиз натижаларига таяниб, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ижтимоий-психологик мослашувининг ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш ва баркамоллигини таъминлаш мақсадида улар тарбиясига салбий таъсир этиш эҳтимоли бўлган турли хил табиий-биологик, иқтисодий, ижтимоий, миллий-ҳудудий омиллар таъсиридан ҳимоя қилишнинг миллий менталитетимиз ва ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда зарур ижтимоий-маданий ва миллий-психологик хусусиятларга асосланган замонавий ўқув-тарбиявий тизим андозасини аниқлаш ва ёритишдир.

Мазкур тарбиявий жараён миллатимиз вакилларига, айниқса, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун ҳам миллий меросимиз, урф-одат, анъана ва ахлоқимиздаги энг илғор хусусиятларни, кадриятларни сингдириш орқали уларда миллий онг, миқий дунёқараш, миллий тафаккур, ҳуқуқий маданиятни

шакллантириш, ўзлигини англантиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онги ва қалбига чуқур сингдириш, бой миллий-маданий меросимиз асосида уларни юксак маънавиятли, қатъиятли, шижоатли, онгли фаол шахс сифатида шаклланишини таъминлашга йўналган таълим тизимидаги амалий фаолиятдир.

Аввало шуни айтиш керакки, биз ўрганаётган муаммо доирасида айрим олимлар томонидан кўпгина методикалар миллий-маданий муҳитда қўлланилган бўлса-да, лекин улар фойдаланган методлар психологик тадқиқотлар учун етарлича ахборот бера олмаган.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижтимоий-психологик мослашуви шаклланишининг психодиагностик ва психокоррекцион қонуниятларини чуқурроқ, объектив равишда тадқиқ этиш учун изчиллик билан қўйидаги психологик методлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

**1. Меҳрибонлик уйи** тарбияланувчиларининг ўзини тутиши, одамларга, воқеа-ҳодисаларга, нарсаларга бўлган муносабати, дунёқараши ва тарбияланганлик даражасини ўрганишга йўналган кузатиш, таққослаш, ўсмирлар ва тарбиячилари билан суҳбат, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таржимаи ҳолини ўрганиш, улар фаолияти натижаларини таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

**2. ИПС (ижтимоий психологик сўровнома)** тузилди ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг хулқ-атвор ифодалари, хусусан, уларда салбий сифат ва хусусиятлар шаклланишига таъсир этувчи табиий-биологик, моддий-маданий, ижтимоий-психологик ва тарбиявий таъсир хусусиятига эга бўлган омиллар ва қонуниятлар ўрганилди.

**3. Меҳрибонлик уйи** тарбияланувчиларида шаклланаётган хулқ-атвор сифатлари, мотивацион йўналганлик, ақлий, ахлоқий-маънавий ва ҳуқуқий тарбияланганлик даражалари, уларнинг билими, онги ва дунёқарашини ўрганишга дахлдор тест методлари: Ўсмирлар шахс хусусиятларини диагностика қилиш учун 16 факторли Р.Б. Кеттел сўровномаси; «Йўқ хайвон» методикаси; Вагнер кўл тести (Hand Test); А. Басс А. Дарки томонидан «Тажовузкорлик кўрсаткичлари ва душманлик реакцияларини аниқлаш» методикаси (А.К.

Осницкий томонидан мослаштирилган); Математик таҳлил усуллари Mann-Whitney (нопараметрик усул)дан фойдаланилди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида шаклланаётган хулқ-атвор муносабатлари, ижтимоийлашиш ҳолатлари, уларда юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий ўзгаришларни текширишда қўлланиладиган стандарт топшириқлар психологик тест деб қабул қилинган. Бу методнинг қиммати экспериментнинг илмийлик даражасига, йиғилган психологик далилларнинг объективлигига, уларнинг илмий-ғоявий, маънавий жиҳатдан таҳлил қила билишга боғлиқдир.

**4.Эксперимент методи.** Эксперимент методи инсонларнинг хулқ – атвор сифатлари, мотивацион олами, шунга асосланган муносабат тизими ва дунёқарашини (хусусан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари) ўрганишда энг муҳим методлардан бўлиб ҳисобланади. Эксперимент ёрдамида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари шахси шаклланишининг энг муҳим омиллари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни объектив баҳолаш ва баркамол ёшларни тарбиялашнинг зарур имкониятларини ҳал қилиш мумкин.

Ушбу эксперимент индивидуал, гуруҳий ва фронтал равишда ўтказилиши мумкин. Назорат экспериментида таркиб топтирувчи экспериментда шакллантирилган усуллар, воситалар, йўл-йўриқлар, кўчиш ва муаммони ечиш ҳамда унга бўлган муносабатни тезкорлик даражасини аниқлаш учун мустақил топшириқ берилади. Назорат экспериментини ўтказиш орқали таркиб топтирувчи экспериментнинг самараси, изланувчининг шахсий ҳиссаси ўлчанади. Учинчи қисмда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ёрдам ёки маслаҳат бериш мутлақо ман этилади.

**5.Статистика методи.** Аниқловчи, таркиб топтирувчи ва назорат экспериментларидан тўпланган ёки йиғилган маълумотлар математик-статистик қайта ишлаш, яъни эмпирик маълумотларнинг ишончлилиқ ва валидлик даражасини аниқлаш, миқдорий маълумотларни статистик таҳлил асосида махсус компьютер дастури ёрдамида корреляцион яқинликни аниқлаш усулларидан, натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ва дисперсияни топиш формулаларидан (Стьюдентнинг – t муқаррарлик мезони, Пирсон ва Спирменнинг корреляция коэффицентига оид формулалардан) фойдаланилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Bustanovna I. D. Socio-ethnic factors of psychological adaptation of foster-families and children //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 6. – С. 34-37.
2. Yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalar va ota-onalar bilan ishlashning muhim tarbiyaviy-psixologik jihatlari.  
Авторы D.B.Islamova/ Дата публикации /2022/2 Материалы конференции Yetim va ota-ona qaramogʻidan mahrum boʻlgan bolalar bilan ishlash mexanizmlarini takomillashtirish/ Respublika on-line ilmiy-amaliy konferensiya Том 2 Страницы 155.
3. Оила тарбиясида фарзандига айтиш мумкин бўлмаган иборалар  
Авторы D.B.Islamova Дата публикации 2022 Журнал ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ\ 2022-10/4 Вестник Хорезмской академии Маъмуна <http://mamun.uz/uz/page/56> Том 2 Номер 10\4 Страницы 139-143  
Издатель <http://mamun.uz/uz/page/56>
4. Tutingan bolalar bilan olib borilishi lozim boʻlgan amaliy ishlarning ijtimoiy psixologik mazmuni  
Авторы D.B.Islamova Дата публикации 2022 Журнал Vola va zamon // Научно-популярный журнал детской и возрастной консультации. г.Ташкент Том 1 Страницы 10-12 Издатель Respublika bolalarijtimoiy moslashuvi markazi, “Sen Yolgʻiz Emassan” Respublika bolalarjamoatchilik jamgʻarmasi. Nashr Oʻzbekiston matbuot va axborot agentligida roʻyxatdan oʻtgan. Roʻyxatdan oʻtganlik toʻgʻrisidagi guvohnoma raqami 0168;
5. Тутинган ота-оналар ва болалар ўзаро мослашувчанлигининг педагогик - психологик жиҳатлари  
Авторы D.B.Islamova Дата публикации 2021 Материалы конференции Masofaviy taʼlimni tashkil etishning pedagogik-psixologik jihatlari Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами Том 3 Номер 1 Страницы 347-351
6. Тутинган ота-она ва болаларнинг ўзаро психологик мослашувини таъминлаш масалалари

Авторы QarDU psixologiya kafedrası prof.psixol.f.d.A.M.Jabbarov, mustaqil izlanuvchi ass.D.V.Islamova Дата публикации 2021 Журнал Vola va zamon // Научно- популярный журнал детской и возрастной консультации. г.Ташкент Том 3 Номер 3 Страницы 18-19б. Издатель г.Ташкент

7. ALLOMALARIMIZ ILMİY MEROSLARINING OILAVIY MUNOSABATLARDAGI ANAMIYATI

Авторы D.V. Islamova Дата публикации 2021 Материалы конференции Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида “Термизий уламоларнинг ислом тамаддуни ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро анжуман Том 1 Номер 1 Страницы 445-449

8. TUTINGAN OILALAR VA BOLALAR ŐZARO PSIXOLOGIK MOSLASHUVINING EMPIRIK TAŐHLILI

Авторы D.V.Islamova Дата публикации 2021 Журнал № 2, 2021 “PSIXOLOGIYA” ILMİY JURNAL \* НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ \* SCIENTIFIC JOURNAL Вух.D.U. Том 2 Номер 2 Страницы 80-83 Издатель ВухDU

9. Tutingan oilalar va bolalar o'zaro psixologik moslashuvining nazariy-metodologik asoslari.

Авторы D.V.Islamova Дата публикации 2021 Материалы конференции O‘zbekiston Respublikasi mahalla va oilani qo‘llab quvvatlash vazirligi “Mahalla va oila” ilmiy tadqiqot instituti. “Oilaviy qadryatlarni mustahkamlashning dolzarb masalalari va muammolari” mavzusidagi Respublika ilmiy amaliy anjuman materiallari Том 1 Номер 1 Страницы 55-68

10. Ma'naviy meros – sog'lom kelajak poydevori

Авторы D.V.Islamova Дата публикации 2018 Материалы конференции Respublika bolalar ijtimoiy moslashuvi markazi Samarqand davlat Universiteti // O‘zbekistonda ijtimoiy ishning bugungi holati va takomillashtirish masalalari, ilmiy-amaliy konferensiyaning materiallari. Том 1 Номер 1 Страницы 63-66б.

11. Oila, onalik va bolalikni muhofaza qilishda ijtimoiy etimlikning oldini olish masalalari

Авторы D.V.Islamova Дата публикации 2017 Материалы конференции Ayol, oila va jamiyat: qonun hujjatlari va ularni yanada takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlari // Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Том 1 Номер 1 Страницы 154-157б.



12. Internetdan foydalanishda bola atrofidagi yaqin kattalarning o'ri Авторы D.B.Islamova Дата публикации 2017 Материалы конференции Bolalarni ma'naviy va jismoniy rivojlanishida axborot xavfsizligini ta'minlashning dolzarb masalalari // mavzusidagi Respublika ilmiy amaliy konferensiya materiallari Том 4 Номер 4 Страницы 32-33b